



## THE IMPORTANCE OF LIFE SAFETY IN MAINTAINING SUSTAINABILITY IN SOCIETY

Razzokov Habib Kholikovich

Head of the Department of Life Safety,

Samarkand State Institute of Architecture and Construction, Ph.D., Associate Professor

### Annotation.

The article considers the issues of maintaining stability in society by ensuring the safety of the population today, and develops proposals to improve the effectiveness of ensuring the safety of the population based on the analysis of existing regulatory legal acts.

**Keywords.** Stability, emergency, Security, pandemic, COVID-19, International Labour Organization

### Аннотация

Мақолада бугунги кунда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш орқали жамиятда барқарорликни сақлаш масалалари кўриб чиқилди, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

**Аннотация.** В статье рассмотрены вопросы сохранения стабильности в обществе за счет обеспечения безопасности населения на сегодняшний день, разработаны предложения по повышению эффективности обеспечения безопасности населения на основе анализа действующих нормативно-правовых актов.

**Калит сўзлар.** Барқарорлик, фавқулодда вазият, хавфсизлик, пандемия, COVID – 19, Халқаро Меҳнат ташкилоти

**Ключевые слова.** Стабильность, чрезвычайная ситуация, Безопасность, пандемия, COVID-19, Международная организация труда

Кейинги йилларда жамиятимизда рўй бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ривожланиш ва маънавий-ахлоқий ўзгаришларни жадаллашиши ҳамда атроф-муҳитдаги омиллар жараёнларини кескинлашуви, ҳар бир шахсдан ўзининг ва атрофидагиларнинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш учун янада катта масъулият ва эътибор талаб этмоқда.

Инсон ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш-инсоннинг кундалик ҳаётида ишлаб чиқариш жараёнида ва фавқулодда вазиятларда хавфсиз яшаши ҳақидаги



мураккаб фан бўлиб, инсон фаолиятининг барча соҳаларидаги хавфли ва зарарли омиллардан ҳимоя қилишни, атроф-муҳитдаги салбий таъсир этувчи омиллардан ҳимояланиш ва саломатликни сақлаш назарияси ва амалиётини қамраб олган илмий билимлар соҳасидир.

Албатта, бунинг учун ҳар бир инсон хавфсизлик соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлиши тақозо этади.

Ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш доимо шахс, жамият ва давлатнинг устувор эҳтиёжларидан бири бўлиб келган ва бўлиб қолмоқда. Шу сабабли кундалик ҳаётимизда хавфсизликни таъминлаш борасидаги масалалар долзарблиги ортиб бормоқда.

Айниқса, бугунги кунда бутун дунёга COVID – 19 пандемияси таҳдид солаётган бир пайтда, инсоннинг ўзини ва бошқаларнинг хавфсизлигини таъминлаш нафақат шахсий масала, балки глобал аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги кунгача бутун дунё ва республикамиз бўйича COVID – 19 таъсири оқибатларини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин:

Дунёда ва Ўзбекистон Республикасида COVID – 19 оқибатлари (24-майгача бўлган статистик маълумотлар <https://coronavirus-monitor.ru/statistika/>)

№	Кўрсаткичлар	Дунё бўйича	Ўзбекистонда
1	Жами касалланганлар сони, нафар	167 837 566	98 657
2	Ҳозирда касалланганлар сони, нафар	24 427 19	3 834
3	Жами ўлганлар сони, нафар	3 478 695	680
4	Жами соғайганлар сони, нафар	139 931 752	94 143
5	Вакцина олганлар, нафар	1 631 046 379	1 412 312

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлилидан шундай хулосага келиш мумкинки, COVID–19 пандемияси жаҳон жамияти ҳаётининг барча соҳаларида ўз таъсирини кўрсатган ва кўрсатиб келмоқда. Ҳаётни барча соҳаларида барқарорликни издан чиқиши, айрим давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатларда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тангликларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Шу муносабат билан, бугунги кунда дунё ҳамжамиятига аъзо давлатлар, ўзлари ва халқаро муносабатлардаги барқарорликни таъминловчи бирламчи омилларни ўрганган ҳолда, уни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишлари, куннинг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Албатта, жамиятдаги барқарорлик омиллари турли хусусият ва



манбаларга эга бўлиб, улар ички ва ташқи сабабларга кўра хилма-хил ва мураккабдир. Бугунги ҳаётимизнинг барқарорлиги ва унинг ривожланиши, жамиятимизнинг асосини ташкил этувчи омиллар сифатида - инсоннинг саломатлиги, келажаги, хавфсизлиги, атроф-муҳитнинг хавфсизлиги ва муҳофазасининг таъминланганлиги, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишда хавфсизлигини таъминланганлиги, иқтисодий барқарорликга бўлган ишонч, миллий ижтимоий – сиёсий муҳит билан тавсифланади. Жумладан инсон ва жамиятдаги хавфсизлигининг долзарблиги қуйидаги ҳолатлар орқали ифодалаш мумкин:

- фуқаролар ва жамият барқарорлигига салбий таъсир қиладиган турли оқибатларини бартараф этишнинг самарали механизмлардан бири, бу жамиятдаги турли ижтимоий-сиёсий субъектларнинг ижтимоий ҳаётга ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш эвазига ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидан ажралмаган ҳолда, ижтимоий низоларни ҳал этиш;
  - жамиятда давлат бошқарув тизимига хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишончсизлик билан боғлиқ нотўғри тушунчаларни бартараф этиш эвазига тизимли хавфсизликни таъминлаш бошқарувни ривожлантириш ва ҳар жамиятдаги ҳар қандай субъект билан ижобий ҳамкорликни амалга ошириш;
  - хавфсизликни тартибга солишга, жамоат тузилмалари ва фуқароларни жалб қилган ҳолда давлат бошқарув органлари ўртасида муайян ўзаро ҳамкорликни юзага келтириш эвазига хавфсизлик масалаларини самарали тартибга солиш (хавфсизлик кенгашлари, махсус хизматлар, терроризмга қарши кўмиталар, экспертлар гуруҳлари);
  - инсон ва жамиятнинг етарли даражада хавфсизликка бўлган эҳтиёжларни таъминлаш мақсадида, жамиятда миллий ва оилавий хавфсизлик, бутун дунё тинчлиги, жамоат тартиби, хушмуомалалик, ёши катталарни ҳурмат қилиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий адолат, урф-одатларни ҳурмат қилиш, фаровонлик каби қадриятларни шакллантириш, сақлаб қолиш ва ривожлантириш.
- Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалар таянган ҳолда, хавфсизликни таъминламасдан туриб, ҳар қандай фаолияти амалга ошириш самарасиз ва мақсадга мувофиқ эмас деган хулосани билдириш мумкин. Ижтимоий муносабатлардаги хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий тизимларнинг қулай ва самарали ривожланишининг асосий шартларидан биридир. Хавфсизликни бундай муаммоси жамият ва давлатнинг юзага келиши билан бир вақтда пайдо бўлди. Хавфсизликга бўлган эҳтиёж, одамларни жамоатларга ва кейинчалик жамиятга



бирлашиши эвазига давлатларни барпо бўлишининг асосий сабабларидан бири эканлигини инкор этиб бўлмайди.

Бугунги кунда, кундалик ҳаёт ва ижтимоий-иқтисодий фаолият жараёнида хавфсизлик масалалари ўзига хос ва жуда муҳим ўрин тутмаган соҳаси бўлмаса керак ва бу тасодиф эмас, чунки бунда инсон турли муҳит таъсирида бўлиб, турли хусусиятли ва кўринишдаги хавфлар таъсирида бўлиш эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабли инсон хавфсизлигини таъминлаш масаласи, бу жамиятдаги барқарорликни таъминлашнинг асосий мезонидир.

Бугунги кундалик ҳаётимизда фан, техника ва технологияларни жадал ривожланиши ҳамда иқлим ўзгариши оқибатида табиий хавфларнинг турлари ва такрорланиши кескин ошиб кетиши, кишиларнинг хавфсизликни таъминлашга бўлган билимлар ва амалиётига бўлган эҳтиёжини оширди. Бу ҳолат республикамизнинг ижтимоий - иқтисодий бир томондан ривожланиш жараёнини жадаллаштириш учун шарт-шароитлар яратса, иккинчи томондан муайян даражада аҳолининг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлашга эътиборни кучайтиришлигини муҳимлигини кўрсатиб берди.

Бундай шароитда соғлом турмуш тарзини таъминлашда ҳаёт хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, уни ўрганиш ва уни ўқитиш орқали маълум даражада ҳал қилишга, шахсни ҳар томонлама хавфсизлигини таъминлаш эвазига, фаолият соҳалари ва кундалик турмушда инсонларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга, хавфсиз турмуш тарзини шакллантиришга эришиш мумкин.

Ҳозирги кунларда юз бериши эҳтимоли бўлган ёки юз берган фавқулодда вазиятлар таъсир хусусияти ва доираси, оқибатлари жиҳатдан мураккаб шароитларга олиб келиши билан фарқланади. Олиб борилган мониторинг ва таҳлилларга назар соладиган бўлсак, кейинги йиллардаги турли хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг дунё бўйича таҳлили доимий ўсишини кўрсатади. Айниқса, 1998-2017 йиллар таҳлили бўйича, дунёда 7255 йирик табиий офатлар юз берган бўлиб, уларнинг аксарияти иқлим билан боғлиқ. Содир бўлган табиий офатларнинг асосий қисмини сув тошқини ва бўрон ташкил этади. Ушбу давр мобайнида катаклизмлар туфайли 1,3 миллион киши ҳалок бўлган, 4,4 миллиард киши жароҳат олган – уйини йўқотган ёки ёрдамга муҳтож бўлган. БМТ табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича идораси маълум қилишича, юз берган табиий офатлар 1,3 миллион нафар одамнинг ўлимига олиб келди ва 2,9 триллион доллардан ортиқ моддий йўқотишларга сабаб бўлди.

Бундан ташқари Халқаро Меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили иш вақтида рўй берадиган бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан 2,3 млн





киши ҳалок бўлмоқда, бу кунига ўртача 6000 кишига тўғри келишини англатади. Бутун дунё бўйича йилига тахминан 340 млн марта ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса ҳамда 160 млн касб касалликлари қайд этилмоқда.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан келиб чиқадиган иқтисодий йўқотишлар глобал миқёсда жаҳон ялпи ички даромаднинг 4-6 фоизини ташкил этапти. Бу иқтисодий ривожланиш учун кўрсатиладиган расмий ёрдамдан 20 баравар кўп деганидир.

XX асрнинг охирига келиб, инсон яшаш муҳитига салбий оқибатли нохуш ҳолатлар билан боғлиқ равишда юз берган бахтсиз ҳодисаларнинг ортиб бориши, фавқулодда вазиятларнинг кўплаб юз бериши 1991 йилда Германиянинг Кьёльн шаҳрида “Ҳаёт хавфсизликда” шиори остида Бутун жаҳон конгрессининг ўтказилиши ва унда кўрилган масалалар ечимида алоҳида эътибор берилиши зарурати кўрсатиб ўтилди ва таъкидланди [1].

Шу жумладан Республикамиз Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 - сонли Фармони асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” нинг бешинчи йўналишида:

“...атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш;

фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш”

ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш масаласи муҳим вазифа сифатида ўз аксини топган:

Маълумки, ишлаб чиқаришда ва фавқулодда вазиятларда хавфсизликни таъминлаш, бу аҳолининг барча қатламини мақсадли ва йўналтирилган турли ўқитиш курслари орқали амалга оширилади. Жумладан Республикамизда қабул қилинган қуйидаги қонунлар ва қарорлар фикримизнинг яққол далилидир:

- Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш” тўғрисидаги қонуннинг 17-моддаси ;

- “Аҳолини ва ҳудудларни табiiй ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддаси;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №1066-сонли қарори;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 09 сентябрдаги 754-сонли “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида



тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида барча таълим йўналишларида ўқув дастурларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ва 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига жорий этилишини таъминлаш кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури”ни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорни қабул қилиниши, халқаро миқёсда ҳамкорликни амалга оширилишини яққол намунасидир [2].

Шундай қилиб, инсон хавфсизлигини таъминлашни ўрганиш ва уни амалга ошириш назарий ҳамда амалий муаммолардан бири бўлиб, уни ўрганиш учун тизимли фанлараро интеграция асосида жамоавий, давлат ва ундаги тизимларнинг иштирокини талаб этади.

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, 1990 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида 1991-1992 ўқув йилидан бошлаб "Меҳнат муҳофазаси" ва "фуқаро муҳофааси" фанлари ўрнига, техник, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, иқтисодий ва муҳандислик-педагогик таълим йўналишлари бўйича олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари жами муддати камида 100 соат ва педагогик таълим йўналишлари учун камида 60 соат юкламалар киритилган эди. Худди шундай ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2008 йил 28 октябрдаги 318-сонли буйруғи асосида олий ўқув юртларининг ўқув режасида ўқитилган “Меҳнат муҳофазаси” фани 1999 йилда “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани билан алмаштирилди ва мазкур фан дастуридаги мавзулари фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар бўйича мавзулар билан бойитилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 09 сентябрдаги 754-сонли қарорида барча таълим йўналишларида ўқув дастурларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ва 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига жорий этилишини таъминлаш кўрсатиб ўтилган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлашни истардимки, жамиятда барқарорликни сақлашда, "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" тўғрисидаги билим, махсус хавфсизлик муаммоларини ҳал қилмайди, балким жамият аъзоларини хавфсизлик маданиятига эга бўлишни, ҳар бир хавфли ҳолат ва вазиятларда жиддий ва билимли ёндашишга ундайди ва хавфсизлик соҳасида умумий саводхонликни таъминлайди, истисносиз барча махсус фанлар учун илмий-услубий асос ҳисобланади. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ўрганиш-шахс, жамият ва давлатни ҳимоя қилишдир.



## Адабиётлар

1. Kholikovich, R. H., & Razokova, M. (2020). Improving the Teaching of" The Safety of Life Activation" A Requirement of the Time. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 22(2), 81-83.
2. Nabievich, M. M., & Kholikovich, R. K. The Importance and Role of" Safety of Life Activities" Subject in Higher Educational Institutions. JournalNX, 9-13.